

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI SINING
ҚАРОРИ

818 Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги ПФ–5066-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 июндаги ПҚ–3029-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмат маркази тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий ва таркибий тузилмалари тўғрисидаги низом (устав)ларни тасдиқлансин;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир

йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 9 август,
606-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 9 августдаги 606-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вазирлик табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, гидрометеорология, гидротехник иншоотларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, сейсмик кузатувлар, кичик ҳажмли кемаларни бехатар ишлатилишини, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ишларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва унга ҳисобот беради.

4. Марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Фавқулодда вазиятлар бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади), Гидрометеорология хизмати маркази, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси, Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази, шунингдек идоравий бўйсунувдаги бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ягона тизимини ташкил этади.

5. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Вазирлик ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Вазирликнинг белгиланган тартибда, ўз ваколати доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

8. Вазирликнинг ҳарбий хизматчилари ҳарбий хизматда бўладилар.

Вазирлик ҳарбий хизматчилари ва ходимлари (Гидрометеорология хизмати маркази ва «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимларидан ташқари) хизматни ўташ, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва маиший хизмат кўрсатилиши, барча таъминот турлари билан таъминланиши, уларнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари масалаларида, шу жумладан уларнинг оила аъзолари ҳам, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тегишли тоифадаги ҳарбий хизматчилари ва ходимларига тенглаштирилади.

9. Вазирлик тизимининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг моддий-техник таъминоти ва меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар, Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг ўз даромадлари, бюджетдан ташқари даромадлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи ёзилган муҳрга ва бланкаларга, рамзга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида газначилик ҳисоб рақамларига эга бўлади.

11. Вазирлик Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 4-уй, 100084 манзилида (почта манзилида) жойлашган.

2-боб. Вазирликнинг асосий вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тинчлик ва ҳарбий даврда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг барқарор ишлаши, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан беҳатар фойдаланиш, сув иншоотларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва омилларини олдиндан аниқлаш, улар вужудга келишини барвақт профилактика қилиш ва олдини олишни таъминлаш;

аҳолига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, халқ билан мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари

билан бу борада ўзаро яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мавжуд хавф-хатарлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилиш;

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини (кейинги матнларда — ФВДТ) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва бошқарувини таъминлаш;

фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ва ривожланиши хавфини комплекс мониторинг ва прогноз қилишни таъминлаш, мазкур соҳада гидрометеорологик ва сейсмик кузатувлар олиб бориш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларнинг давлат захира фондларини ташкил этишга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш, гидротехник иншоотлар, кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш хавфсизлигини самарали назорат қилиш, сув хавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш, ўтказиш ва мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда мақсадли илмий-техника дастурлар ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда ФВДТ тузилмаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тизимли тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, гидрометеорологик ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

13. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) тинчлик ва ҳарбий даврда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг барқарор ишлаши, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан бехатар фойдаланиш, сув иншоотларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади:

фуқаро муҳофазаси, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, гидрометеорология, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, сейсмопрогностик мониторинг ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилишини ташкил этади ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

қуйидагилар бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади:

тинчлик ва ҳарбий даврда фуқаро муҳофазаси, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш;

фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи, сейсмик хавф бўйича республика ҳудудларини районлаштириш, табиий офатлар, шунингдек техноген авария ва ҳалокатлар манбасининг ривожланиш хавфини аниқлаш ва чуқур таҳлил қилинишини кўзда тутган фавқулодда вазиятларни прогнозлаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш;

давлат гидрометеорологик кузатувлар тизимини, иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини гидрометеорологик таъминлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектлари техник ҳолатининг мустаҳкамлигини ошириш ва беҳатар ишлашини таъминлаш;

сейсмологик мониторинг тармоғини ривожлантириш;

сув объектларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш;

Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича давлат сирини, хизмат ахборотларини муҳофаза қилишга, махсус алоқани ривожлантиришга доир тадбирларни ўтказишни таъминлайди;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

б) фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва омилларини олдиндан аниқлаш, улар вужудга келишини барвақт профилактика қилиш ва олдини олишни таъминлаш соҳасида:

фавқулодда вазиятлар хавфи ва таҳдидлари омилларини олдиндан аниқлашнинг мақсадли ҳамда илмий-техник дастурлари бўйича тадбирларни режалаштирилиши ва бажарилишини таъминлайди;

аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг мулкига бўлган хавфларни барвақт профилактика қилиш ва олдини олиш, ҳаёт фаолиятини таъминловчи объектлар мустаҳкамлигини ошириш, содир бўлиши мумкин бўлган хавфларнинг юзага келиши сабабларини барвақт аниқлаш, уларни бартараф этишнинг аниқ чораларини кўриш, ушбу соҳада аҳолининг хабардор қилиниши даражаси оширилишини таъминлайди;

авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилади ва уларнинг оқибатларини енгиллаштиради;

в) аҳолига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, халқ билан мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бу борада ўзаро яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мавжуд хавф-хатарлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилиш соҳасида:

фавқулодда вазиятлар хавфи ва таҳдиди бартараф этилишини, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда уларга ўз вақтида ва комплекс ёрдам берилишини таъминлайди;

халқ билан, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшлар билан мулоқотни кенгайтиради ва кучайтиради, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлайди;

Вазирлик ваколати доирасидаги масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг қабул қилиниши ва муурожаатлари кўриб чиқилишини таъминлайди ҳамда улар бўйича қонунда белгиланган тартибда тегишли чораларни қабул қилади;

республиканинг барча ҳудудларида тизимли равишда профилактик тадбирларни амалга оширади, шунингдек аҳоли билан кенг қўламли мулоқот олиб боради ҳамда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларида юзага келган муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлайди;

фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда аҳолини автоматик тарзда хабардор қилиш тизими яратилишини ва бошқарилишини мувофиқлаштириб боради;

аҳолини катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларида фавқулодда вазиятлар оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган авариялар хавфи тўғрисида хабардор қилади;

ФВДТ ва фуқаро муҳофазасини хабар бериш тизими, алоқа, автоматлашган бошқарув тизими ва ахборотлар билан таъминлашнинг доимий тайёр ҳолатда бўлиши ташкил этилишини таъминлайди;

фавқулодда вазиятлар хавфи ёки юз берганлиги тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ҳамда локал ва объект даражасида хабар бериш тизими ишларини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

республиканинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолини юз берган ва кутилаётган гидрометеорологик шароитлар ва иқлим ўзгариши, атроф муҳитнинг зарарланганлик даражаси, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли ва офатли гидрометеорологик жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди;

аҳолини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан тезкор хабардор қилиш мақсадида мавжуд барча оммавий ахборот воситалари ва телерадио эшиттириш каналларидан белгиланган тартибда фойдаланади;

аҳолини фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, сув объектларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича

билимини оширишни ташкил этиш ва бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишларга услубий раҳбарлик қилади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишни ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг барча босқичларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллайди;

жамоат бирлашмаларини ҳамда тегишли билим ва тажрибага эга бўлган алохида фуқароларни, шу жумладан, хорижий фуқароларни, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини ўтказишга белгиланган тартибда жалб қилиш ишларини ташкиллаштиради;

г) фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва бошқарувини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини бошқаради ва давлат назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ташкиллаштиради;

қутқарув хизматларини, қутқарув тузилмаларини ташкил этиш, тайёрлаш ва доимий шай ҳолда бўлишини, фавқулодда вазиятларни тезкорлик билан бартараф этиш ва тугатиш ишларини мувофиқлаштиради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятларни бартараф этишга мўлжалланган куч ва воситаларни жойлаштириш ва жиҳозланишини белгилайди, ўқув ва реабилитация марказларини ташкил этади;

тўғридан тўғри ва оператив бўйсинувдаги қутқарув тузилмалар томонидан қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни режалаштириш ва амалга оширишни, вазирлик тизимига кирувчи, шунингдек уларни амалга оширишга жалб этиладиган бошқа қутқарув тузилмаларнинг ўқитилишини ташкил этади;

катта қўламли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, ушбу мақсадлар учун зарур бўлган куч ва воситаларни яратиш ва шайлигини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқаро муҳофазаси, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишини ташкил этади;

ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва тузилмалари томонидан фуқаро муҳофазаси тадбирлари амалга оширилишига бевосита раҳбарлик қилади, уларнинг сафарбарлик тайёргарлигини режалаштиради ва ташкил этади;

фуқаро муҳофазасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, фуқаро муҳофазаси тизимини шай ҳолга келтириш ва хабарлашни ташкиллаштириш бўйича директив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларининг жанговар ва сафарбарлик шайлигини таъминлайди;

фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмлари ва тузилмаларини бошқаришни ташкил этади;

фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари, давлат бошқаруви органлари, қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган ҳарбий қўшинлар ва тузилмаларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириб боради;

фуқаро муҳофазасини ривожлантириш учун зарур бўлган қурол-яроғ, техника, ҳимоя ва бошқа моддий-техник воситалар бўйича давлат буюртмаси лойиҳасини тузади;

аҳолининг радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофазаси ташкил этилиши, панагоҳлар ва фуқаро муҳофазасининг бошқа объектлар яратилиши ва доимий тайёргарлигини таъминлаш юзасидан назоратни амалга оширади;

фуқаро муҳофазаси шахсий ҳимоя воситаларини текшириш ва синаш, радиацион разведка ўтказишга мўлжалланган асбобларни қиёслаш ва калибровка қилишни ўрнатилган тартибда амалга оширади;

ўз ваколати доирасида ФВДТ ва фуқаро муҳофазасининг сафарбарлик бўйича моддий-техник ва инсон ресурслари кучларини жорий ва истиқболли режалаштириш тадбирларини амалга оширади;

тегишли давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар аҳолисига белгиланган тартибда мурувват ёрдами шакллантирилиши ва етказиб берилишини ташкил қилади;

фавқулодда вазиятлар ҳудудидаги ишларга жалб қилинган Вазирлик, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш, талофат ҳудудига Вазирлик томонидан олиб келинган юқларни, шу жумладан мурувват ёрдами сақланишини таъминлайди;

д) фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ва ривожланиши хавфли комплекс мониторинг ва прогноз қилишни таъминлаш, мазкур соҳада гидрометеорологик ва сейсмик кузатувлар олиб бориш соҳасида:

зилзила, кўчки, сел, сув босиши, сув тошқини, қор кўчкиси ва бошқа табиий офатлар, шунингдек техноген хусусиятли авария ва ҳалокатларни назорат қилиш ва прогнозлаш тизимининг ривожланишини мувофиқлаштириб боради;

атроф муҳитнинг ҳолати, хавф манбаи юқори бўлган объектлар ва чегарадош ҳудудлардаги вазиятни кузатиш ва назорат қилиш юзасидан раҳбарликни амалга оширади;

атроф муҳит (атмосфера, тупроқ ва очиқ сув ҳавзалардаги сувлар)нинг ифлосланганлигини, дарёлар атрофида сув тошқини хавфини мониторинг қилишни, гидрологик режимга амалга қилинишини ҳамда гидрометеорологик маълумотларни тайёрлаш, атроф муҳитнинг экстремал юқори даражада ифлосланлиги ҳақида огоҳлантиришни таъминлайди;

гидрометеорологик хавфли жараёнларни кузатиш ва прогнозлаш, сел ва

қор кўчкисига қарши чоралар кўрилиши лозим бўлган ҳудуд ва жойларни аниқлашни таъминлайди;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни прогнозлаш учун автоматлашган хабарлаш тизимини яратишни, республиканинг барча ҳудудини қамраб оладиган фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича географик маълумотлар тизими, I, II ва III капиталлик тоифасидаги гидротехник иншоотларни, шунингдек табиий ва техноген хавфли жойларнинг давлат кадастри олиб борилишини таъминлайди;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, алмашиш ва берилишини таъминлайди;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятлар юзага келиши натижасида, шу жумладан атроф муҳитга етказилган моддий зарарни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишни ташкил этади;

е) аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларнинг давлат захира фондларини ташкил этишга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика раҳбариятининг топшириғига асосан вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ташкилотлар томонидан сел, қор, ер кўчкиси ҳудудлари, сув босиш эҳтимоли мавжуд ҳудудлардан аҳолини кўчириш, улар учун янги яшаш ҳудудларида зарур бўлган ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, шунингдек турар-жойлар қурилишини, ушбу ҳудудлардан кўчирилган фуқаролар учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмалар барпо этилишини;

фавқулодда вазиятлар юз бериши мумкин бўлган хавфли ҳудудлар (участка, жойлар)дан аҳолини эвакуация қилиш, шунингдек уларга янги яшаш жойларида зарур бўлган ижтимоий-маиший шароитлар яратилишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқароларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун талаблари бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ташкилотлар томонидан ҳалокатлардан жабр кўрган ёки фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда қатнашган фуқароларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий муҳофаза қилиниши ва ушбу соҳада тадбирлар амалга оширилиши назорати бўйича ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади ва фаолиятини мувофиқлаштиради;

худудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)нинг тезкор навбатчилар гуруҳи билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, объектлар ва бошқа ташкилотлар навбатчи диспетчерлик хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради ва бошқарувини таъминлайди;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ва хавфсиз ишлаши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

аҳолини зарур бўлган биринчи навбатдаги моддий бойликлар билан таъминлаш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган махсус тузилмаларни жиҳозлаш учун идоравий, моддий бойликлар захирасини яратади;

ж) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш, гидротехник иншоотлар, кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш хавфсизлигини самарали назорат қилиш, сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш, ўтказиш ва мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда мақсадли илмий-техника дастурлар ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, бошқа ташкилотларнинг фаолияти барқарорлигини оширишга қаратилган мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилишда юзага келаётган муаммолар, гидрометеорология ва сейсмопрогностик мониторинг бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишни ва молиявий жиҳатдан таъминланишини, мавжуд қутқарув воситаларини такомиллаштириш ва юқори даражадаги янгиларини яратиш, уларни амалга ошириш учун махсус-техник воситаларни яратиш, фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт объектлари фаолияти барқарорлигини оширишни ташкил этади;

фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш талабларига риоя қилиниши бўйича шаҳарсозлик ҳужжатлари ва объектларни қуриш лойиҳаларининг давлат экспертизасидан ўтказилишида қатнашади;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ва хавфсиз ишлашини, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида республиканинг барча сув ҳавзаларида кичик ҳажмли кемалар

ва уларнинг тўхташ жойларидан тўғри фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

потенциал хавфли объектлар ва улар чегарасидаги ҳудудларда фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни, уларнинг кўлами ва оқибатларини прогнозлашнинг назоратини таъминлайди;

фавқулодда вазиятларда аҳолини ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек турар жойи бинолари ва иктисодиёт объектларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишни назорат қилади;

Вазирлик фаолияти соҳасига оид мақсадли давлат дастурларини амалга оширишда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси функциясини бажаради;

з) замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда ФВДТ тузилмаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тизимли тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

ФВДТ ва фуқаро муҳофазаси кучлари республика ва маҳаллий органлар мансабдор шахсларини, мутахассисларни тайёрлаш тизимини ташкил қилади, ривожлантиради, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича комплекс тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларининг фуқаролар, вазирлик, идоралар, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахсларини, шунингдек умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва уларнинг олдини олишга тайёрлаш бўйича ўқув-услубий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

аҳолини, бошқарув органлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари, ФВДТ бўлинмалари мансабдор шахсларини тайёрлаш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради, тасдиқлайди ёки келишади, қутқарувчиларни ва қутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказиши;

таълим муассасаларининг фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш, қутқарувчиларни махсус тайёрлаш каби масалалар бўйича ўқув дастурларини кўриб чиқади ва келишади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, авариялар ва ҳалокатлар, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш ва уларда ҳаракат қилиш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга аҳоли барча тоифасини сафарбар этиш бўйича аҳоли ўртасида билимларнинг кенг тарқатилишини таъминлайди;

аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва улардан кенг фойдаланилишини таъминлайди;

и) юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, гидрометеорологик ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

давлат стандартлари, жаҳон амалиёти, фан ва таълим соҳасида йўналишлар ва инновацион технологиялар талабларини инобатга олиб «Аҳолини фавқулодда вазиятлар хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича олий маълумотли юқори малакали магистр даражасида тайёрлашни таъминлайди;

Вазирликнинг шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилари ва фуқаро таркибини, ҳудудий ва таркибий тузилмалари қутқарув хизматлари қутқарувчиларини, шунингдек ФВДТ тизимидаги кирувчи бошқа вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ва мансабдор шахсларини аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларига жалб этиладиган қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ташкил этади ва амалга оширади;

фуқаро муҳофазаси, гидрометеорологик, табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни, конструкторлик ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

к) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фуқаро муҳофазаси, шу жумладан авариялар ва талафотлар оқибатларини бартараф этиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек ушбу соҳаларда чет эл тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш соҳасида:

фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, гидрометеорология, сейсмопрогностик мониторинг, гидротехник иншоотлардан хавфсиз фойдаланиш, шунингдек авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш, зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ҳамда Вазирлик ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича халқаро муносабатларни амалга оширади, шунингдек ушбу йўналишда халқаро тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиришни ўрнатилган тартибда амалга оширади;

Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқаро шартномалар ва келишувларни ишлаб чиқишда, тузишда ва бажаришда, шунингдек фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларда ўзаро маълумот алмашиш ва ёрдам бериш, қўшни давлатлар билан давлатлараро ва чегарада жойлашган сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда белгиланган тартибда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра БМТ тизимининг ихтисослашган халқаро ташкилотларининг ва бошқа ихтисослашган халқаро ташкилотларнинг марказий органларида ва минтақавий бўлинмаларида ишлаш учун, ушбу ташкилотлар билан келишилган шартларда, белгиланган тартибда вакиллар юборади;

л) *Вазирлик фаолиятини ташкил этиш соҳасида;*

Вазирликнинг бошқарув органлари, кутқарув ва бошқа тузилмаларининг молиявий, моддий ва техник таъминотини ташкил этади, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан белгиланган тартибда молиялаштириш, кейинчалик ажратилган моддий ва молиявий ресурсларнинг ишлатилишини назорат қилишни ташкил этади;

Вазирлик ҳарбий хизматчилари ва ходимлари (кутқарувчилари)нинг мажбурий суғурта қилинишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади, уларнинг, шунингдек оила аъзоларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлайди;

махсус сигналлар ва алоқа воситалари таниқли белгилар билан белгиланган тартибда таъминланган махсус транспорт воситаларга эга бўлади.

3-боб. Вазирликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Вазирлик ўз зиммасидаги вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, авариялар, ҳалокатлар, террористик ҳаракатлар оқибатларини бартараф этиш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш учун зарур бўлган, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Вазирлик зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотлар ва ҳужжатларни сўраб олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини, Вазирлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда текшириш, шунингдек қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

Вазирлик фаолиятининг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш учун идоралараро мувофиқлаштирув ва маслаҳатлашув органлари, ишчи гуруҳ, комиссия (илмий, илмий-техник, услубий ва шу кабиларни) тузиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатилган хизматлар, жарима ва бошқа тушумлар ҳисобидан Вазирликнинг бюджетдан ташқари фондидан белгиланган тартибда ташкил этиш, унинг маблағларини бошқариш;

Вазирлик ихтиёридаги давлат мулкани белгиланган тартибда бошқариш;

Вазирлик хизмат мажбуриятларини бажаришда, фаолиятни ташкил этиш учун бюджет манбасидан тўғридан-тўғри олинадиган маблағлар, шунингдек давлат моддий ресурсларини янгилаш учун сотишдан келиб тушадиган

маблағлар, жарималар, хайрия маблағлари, мурувват ёрдам, грант ва қонунчиликда тақиқланмаган манбалар маблағларини тасарруф этиш;

авария-қутқарув техникаларини яратиш, авариялар ва ҳалокатлардан жабрланган аҳоли ва ҳудудларни реабилитация қилиш ишларини олиб боришда ишларни бажарувчилар (фирмалар), шунингдек чет эллик иш бажарувчилар билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

махсус техник воситаларни тайёрлаш ва ушбу воситаларни тайёрлашга буюртмалар бериш, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда эҳтиёж учун зарур бўлган радиовоситалар, махсус жиҳоз ва техника, бошқа техник воситаларни олиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

вазирлик ҳарбий хизматчилари, ходимлари ва мутахассисларини, уларнинг оила аъзоларини, шунингдек пенсионерларининг қонунчилик талаблари асосида даволаш-профилактик, санатория-курорт ва бошқа чора-тадбирлар орқали ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;

вазирлик эҳтиёжлари учун капитал қурилишлар, шу жумладан, уй-жой қурилиши, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта таъмирлаш ишларини олиб бориш;

белгиланган тартибда тасдиқланган махсус радиоалоқа, сигнал бериш воситалари, байроқчалар, таниш белгилари билан жиҳозланган махсус рангдаги техник воситалар, учуш воситалари, ҳаво ва сув кемаларига эгалик қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолиятига мустақил экспертлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

Вазирлик фаолиятига доир масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишга тайёргарлик кўриш ва ижросини таъминлаш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

чет эл мамлакатларининг тегишли тузилмалари, халқаро ташкилотлар ва нодавлат ташкилотлари билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда бошқа вилоятлардаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларига доимий шай турадиган ҳудудий куч ва воситаларни жалб қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Вазирлик қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирлик зарур ҳолларда бошқа давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда белгиланган тартибда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

16. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

17. Вазирликни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири (кейинги ўринларда вазир деб аталади) бошқаради.

Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари бўлади.

18. Вазир:

Вазирлик фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва Вазирликка юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Вазирлик ва унинг таркибида бўлган ташкилотлар ва тузилмалар фаолиятига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органларида, шунингдек халқаро ҳамкорлик доирасида ўтказиладиган тадбирларда Вазирлик манфаатларини ифода қилади;

вазир ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирликнинг алоҳида иш йўналишлари ва участкалари, шунингдек бўйсунувидаги ташкилотларга раҳбарлик қилишининг белгиланган бўйича ваколати, шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Вазирлик марказий аппарати штати ва таркибини тасдиқлайди, шунингдек уларнинг тасдиқланган даври ва бюджет ажратмалари доирасида харажатлар миқдорини белгилайди;

буйруқлар, кўрсатмалар ва директивалар чиқаради, Вазирлик тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

вазирликнинг олий офицерлари таркиб томонидан эгалланиши мумкин бўлган мансаблар рўйхати бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

вазирлик ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда имзолайди;

ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари, туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

марказий аппарат тузилмаларининг низомларини, Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг низом (устав) ларини тасдиқлайди;

ҳарбий хизматчиларнинг лавозими, шунингдек ушбу лавозимга мувофиқ келадиган ҳарбий унвонларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

тузилмалар шахсий таркибининг техника ва асбоб-анжомлар билан таъминланиш меъёрларини тасдиқлайди;

давлат бюджети ҳисобидан ажратилган ва белгиланган хизмат ресурси-

ни ўтаб бўлган моддий-техник воситаларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилиши бўйича ҳужжатларни тасдиқлайди;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари топшириқлари, шунингдек объектларни, қутқарув тузилмалари учун янги турдаги техника ва техник воситаларни лойиҳалаштириш топшириқларини тасдиқлайди;

ҳарбий хизматчиларга, полковникка қадар ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий унвонни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги офицерлар таркиби учун белгиланган тартибда ва муддатда беради;

вазирлик ҳарбий хизматчиларини лавозимларга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан келишган ҳолда ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларини лавозимга тайинлайди;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга қабул қилади;

вазирлик ваколатига оид масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар қабулини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлик тизимида ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

ўз ваколатлари доирасида Вазирлик тизими ҳарбий хизматчилари ва ходимлари, шунингдек улар оила аъзоларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оддий аскар ва офицерлар таркибидан бўлган ҳарбий хизматчиларни давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга хизмат сафарига юборади;

алоҳида хизматлари учун Вазирлик тизими ходимларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва уларга фахрий унвонлар бериш, шунингдек идоравий мукофотларни таъсис этиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

Вазирлик ҳарбий хизматчилари ва ходимларини белгиланган тартибда хизмат сафарларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборади;

идоравий тақдирлаш белгиларини ишлаб чиқади, ушбу белгилар ва уларнинг тасвири ҳақидаги низомларни тасдиқлайди, улар билан Вазирлик шахсий таркибини, шунингдек фуқаро муҳофазаси, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишлари амалга оширилишига кўмаклашган фуқароларни тақдирлайди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигини молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг бош тасарруфчиси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда:

олий офицерлар таркибининг, улар учун белгиланган лавозимларга тайинланиши ва озод этилиши тўғрисида;

олий офицерлар таркибига ҳарбий унвонлар берилиши тўғрисида;

Вазирлик ҳарбий хизматчилари ва қутқарувчиларининг кийим-бош намуналарини тасдиқлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

19. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда фавқулодда вазиятлар бошқармалари ташкил этилади. Тоифаланган туманлар ва шаҳарларда — фавқулодда вазиятлар бўлимлари ташкил этилади.

20. Вазирликни ҳарбий хизматчилар билан жамлаш белгиланган тартибда, буюртманомалар асосида амалга оширилади.

Вазирликнинг офицерлар ва сержантлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий ва махсус таълим муассасаларида ва бошқа давлатларнинг таълим муассасаларида амалга оширилади.

21. Вазирликда вазир (ҳайъат раиси), лавозими бўйича вазир ўринбосарлари, Вазирликнинг ҳамда унга қарашли ташкилотларнинг, шунингдек бошқа вазирликлар ва идораларнинг раҳбар ходимларидан иборат таркибдаги ҳайъат тузилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби ва сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Вазирлик фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда Вазирлик раҳбарияти ва бошқа мансабдор шахсларнинг ижро интизоми ва шахсий жавобгарлигини оширишни мустаҳкамлаш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат қарорлари Вазир буйруқлари билан амалга оширилади.

22. Вазирлик ваколати доирасидаги муҳим муаммоларни кўриб чиқиш, тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий-техник кенгаш ташкил этилади, унинг таркибига тегишли давлат ижро ҳокимияти органлари, илмий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари кириши мумкин.

Илмий-техник кенгаши таркиби ва унинг тўғрисидаги Низом Вазир томонидан тасдиқланади.

Илмий-техник кенгаш ўз фаолиятини фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат ҳамда ҳудудий комиссиялар билан яқин ҳамкорликда ташкил этади.

23. Вазирликнинг шахсий таркиби ҳарбий ва махсус кийим-бош формасига, рамзга ва фарқловчи нишонларга эга бўлади, уларнинг намуна-эталонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлик техникалари ва транспорт воситалари унинг рамзи тасвири туширилган махсус ранга бўялади.

5-боб. Моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари

24. Вазирлик шахсий таркибини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Вазирликнинг ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари бепул формали кийим-бош билан таъминланади.

Ашёвий таъминоти меъёрлари, улардан фойдаланиш муддати Вазир томонидан белгиланади.

6-боб. Яқунловчи қоида

26. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 9 августдаги 606-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг (кейинги ўринларда Ўзгидромет деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзгидромет Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология соҳасидаги масалаларни ҳал қилувчи махсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.

3. Ўзгидромет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) бўйсунади ва ҳисобот беради.

4. Марказий аппарат, ҳудудий гидрометеорология бошқармалари, «Гидрометприбор» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, «Метеоинфосистем» ахборот-техник бошқармаси, Гидрометеорология илмий-текшириш институти,

Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежи, шунингдек идоравий бўйсунувдаги бошқа ташкилотлар»Ўзгидромет»нинг ягона тизимини ташкил қилади.

5. Ўзгидромет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) буйруқларига ва мазкур Низомга амал қилади.

6. Ўзгидромет ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарлигида, шунингдек бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Ўзгидромет ва унинг идоравий ташкилотлари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

8. Ўзгидромет Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72-уй, 100052 манзилида (почта манзилида) жойлашган.

2-боб. Ўзгидрометнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Ўзгидрометнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

гидрометеорологик кузатувлар давлат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, гидрометеорологик тармоқни модернизациялаш ва техник жиҳатдан янгилаш, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва республика Қуроли Кучларини ўз вақтида ва сифатли гидрометеорологик таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларини, шунингдек фуқароларни мавжуд ва кутилаётган гидрометеорологик шароитлар, иқлим ўзгариши, табиий муҳитнинг ифлосланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар, хавfli ва табиий гидрометеорологик ҳодисалар юзага келиши тўғрисидаги тезкор маълумотлар билан таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйлов ўсимликларининг ҳолати, табиий гидрометеорологик ҳодисаларнинг юзага келиши ва ривожланиши, атмосфера ҳавоси, тупроқ ва юза сувлар ифлосланиши, стратосферадаги озон умумий таркибининг тизимли кузатувларини амалга ошириш;

гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳит ифлосланиши соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш ва уни босқичма-босқич такомиллаштириш, гидрометеорология соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

гидрометеорологик кузатувлар тизимининг илғор технологияларини такомиллаштириш ва жорий этиш, шунингдек тажриба алмашиш ва кадрлар

тайёрлаш соҳасида хорижий гидрометеорологик хизматлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

10. Ўзгидромет ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) гидрометеорологик кузатувлар давлат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, гидрометеорологик тармоқни модернизациялаш ва техник жиҳатдан янгилаш, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва республика Қуролли Кучларини ўз вақтида ва сифатли гидрометеорологик таъминлаш соҳасида:

гидрометеорология соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича Вазирликка таклифлар киритади;

ўз ваколатлари доирасида гидрометеорологик кузатувлар, гидрометеорология маълумотларини, шунингдек атроф табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, уларга ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш ва модернизация қилишни таъминлайди;

Ўзгидромет ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

б) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларини, шунингдек фуқароларни мавжуд ва кутилаётган гидрометеорологик шароитлар, иқлим ўзгариши, табиий муҳитнинг ифлосланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар, хавfli ва табиий гидрометеорологик ҳодисалар юзага келиши тўғрисидаги тезкор маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

қишлоқ хўжалиги, авиация, мудофаа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун махсус тезкор гидрометеорологик хизмат кўрсатади;

аҳолига мунтазам равишда, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали кутилаётган ва рўй бераётган об-ҳаво шароитлари, табиий гидрометеорологик ҳодисалар, атроф табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларни етказиб беради;

давлат гидрометеорологик маълумотлар фонди ва табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар давлат фондиди шакллантиради ва юритади;

белгиланган тартибда ер усти сувлари бўйича Давлат сув кадастрини, шунингдек хавfli гидрометеорологик ҳодисалар бўйича юқори табиий хавfli зоналар давлат кадастрини юритади;

иқлимий маълумотлар миллий базасини шакллантиради;

конунчиликда белгиланган тартибда метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик асбоб-ускуна ва қурилмаларни текширади ҳамда аттестациядан ўтказиши;

в) қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйлов ўсимликларининг ҳолати, табиий гидрометеорологик ҳодисаларнинг юзага келиши ва ривожланиши, атмосфера ҳавоси, тупроқ ва юза сувлар ифлосланиши, стратос-

ферадаги озон умумий таркибининг тизимли кузатувларини амалга ошириш соҳасида:

тезкор гидрометеорологик, иқлимий ва уларга боғлиқ атроф муҳитга тегишли хизматлар кўрсатиш мақсадида кузатув маълумотларини йиғиш, уларга ишлов бериш ва сифатини назорат қилиш тизимини яратади ва уни ишчи ҳолатда сақлаб туради;

гидрометеорологик прогнозлаш моделлари ва тизимини яратади ва улардан фойдаланади;

гидрометеорологик маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ва уларни умумлаштиради;

иқлим ўзгариши мониторингини таъминлайди ва унинг тахминий прогнозларини тақдим этади, шунингдек иқлим ўзгаришига мослашиш чоралари бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

атмосфера, ер усти сувлари (табiiй сув оқимлари), тупроқ ва фон мониторинги (маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш, ахборот тайёрлаш)ни амалга оширади, атмосферанинг ифлосланиш даражасини прогноз қилади;

гидрометеорологик кузатувлар тармоғи, шунингдек атроф табiiй муҳит ифлосланишини кузатиш тармоғини юқори техник даражада сақлаб туради ва ундан фойдаланади;

г) гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табiiй муҳит ифлосланиши соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш соҳасида:

миллий ва халқаро миқёсда гидрометеорология, иқлим ўзгариши, атроф табiiй муҳит ифлосланиши соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади ва амалга оширади;

замонавий технологияларга асосланиб гидрометеорология фанини ривожлантириш чораларини кўради;

д) кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш ва уни босқичма-босқич такомиллаштириш, гидрометеорология соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш соҳасида:

гидрометеорология ва унга боғлиқ соҳалар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

гидрометеорология соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

е) гидрометеорологик кузатувлар тизимининг илгор технологияларини такомиллаштириш ва жорий этиш, шунингдек тажриба алмашиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий гидрометеорологик хизматлар билан ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

дастурлар ва халқаро фаолиятда иштирок этиш орқали миллий манфаатларга кўмаклашувчи тегишли халқаро мажбуриятларни, шу жумладан, Бутунжаҳон Метеорология Ташкилоти Конвенцияси, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Конвенцияси, БМТнинг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши

кураш Конвенцияси, ЮНЕСКО Халқаро гидрологик дастурлари доирасидаги мажбуриятларни бажаради;

белгиланган тартибда халқаро иқлимий молиялаштириш жамғармалари, Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (МГЭИК) фаолиятида иштирок этади, Ўзбекистон Республикасининг Яшил иқлимий жамғарма билан ишлаш учун миллий ваколатли органи функцияларини бажаради;

Бутунжаҳон Метеорология Ташкилотининг Жаҳон об-ҳаво хизмати тизимида Минтақавий метеорологик марказ функцияларини бажаради;

Халқаро Фуқаро авиацияси ташкилотида (ИКАО) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли метеорологик органи вазифаларини бажаради.

11. Ўзгидромет ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий гидрометеорология бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар орқали ҳал этади.

3-боб. Ўзгидрометнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. Ўзгидромет ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан Ўзгидрометга юклатилган вазифаларни комплекс амалга ошириш учун зарур бўлган гидрометеорологик материалларни, шунингдек гидрометеорологик маълумотлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини баҳолаш учун ноқулай гидрометеорологик омиллар ва ҳодисалар натижасида етказиладиган зиён тўғрисидаги маълумотларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси манфаатларини Бутунжаҳон Метеорология ташкилоти ва гидрометеорология бўйича Давлатлараро Кенгашда белгиланган тартибда ифодалаш;

бошқа, шу жумладан халқаро ташкилотлар мутахассисларини экспертлар сифатида жалб этиш;

халқаро аэронавигация манфаатлари учун метеорологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш.

Ўзгидромет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Ўзгидромет ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Ўзгидромет фаолиятини ташкил этиш

14. Ўзгидрометга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бош директор раҳбарлик қилади.

Бош директорнинг бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Ўзгидромет бош директорининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ўзгидромет бош директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директорнинг биринчи ўринбосари эса — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

15. Бош директор:

Ўзгидромет фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Ўзгидромет ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва Ўзгидрометга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзгидрометда ижро интизоми ҳолати юзасидан бевосита раҳбарликни амалга оширади;

ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Ўзгидромет фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилишдаги ваколатлари, мажбуриятлари ва шахсий жавобгарлик даражасини ҳамда ишлаб чиқариш бўлинмалари ва идоравий ташкилотлари ишини белгилайди;

Ўзгидрометнинг тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

белгиланган тартибда марказий аппарат ходимлари, тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари, шунингдек Вазир билан келишган ҳолда ҳудудий гидрометеорология бошқармалари ва идоравий ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

ўз ваколатлари доирасида Ўзгидромет тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган ҳайъат йиғилишларида, мажлисларда белгиланган тартибда иштирок этади;

Ўзгидрометнинг ташкилий тузилмасига ва марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштириладиган Ўзгидромет марказий аппарати, ҳудудий гидрометеорология бошқармалари, идоравий ташкилотлар харажатлари сметасини Вазир билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Ҳудудий гидрометеорология бошқармалари ўз фаолиятини Вазир билан келишилган ҳолда бош директор томонидан тасдиқланган низомлар асосида амалга оширади.

5-боб. Моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари

17. Ўзгидромет тизимидаги ходимларни моддий-техник таъминлаш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджете-

ти маблағлари ҳисобига ҳар йили ажратиладиган пул ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

Ўзгидромет ходимлари учун давлат бошқарув органлари ходимларига қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги шартлари татбиқ этилади.

18. Ўзгидромет ходимлари белгиланган тартибда бепул махсус кийим-бош билан таъминланади.

Ўзгидрометнинг бориш қийин бўлган станциялари ходимлари белгиланган тартибда бепул озик-овқат билан таъминланади.

6-боб. Яқунловчи қоида

19. Ўзгидрометни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 9 августдаги 606-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси гидротехника иншоотлари хавфсизлигини назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тизимига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан

мустақил равишда давлат назоратини олиб борадиган ҳудудий инспекторлар киради.

5. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар Вазирининг (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) буйруқлари ва мазкур Низомга амал қилади.

6. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарлигида, шунингдек бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга.

8. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Туркқўрғон кўчаси, 26-уй, 100200 манзилида (почта манзилида) жойлашган.

2-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар юзасидан давлат назоратини амалга ошириш «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади: катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ҳамда уларнинг беҳатар ишлашини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, фойдаланишга қабул қилиниши, ишлатилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши, консервацияланиши ва тугатилиши, шу жумладан лойиҳалар экспертизаси ташкил этилиши, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш сифати юзасидан назоратни амалга ошириш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли қўриқланишини ташкил этиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш.

10. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ҳамда уларнинг беҳатар ишлашини таъминлаш соҳасида:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мукамаллиги I, II, III класс бўлган гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда беҳатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ишончлилигини ҳамда бехатар ишлашни экспертизадан ўтказди;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ва уларнинг хавфсизлик декларацияларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини натурада кузатишни ва диагностикасини амалга оширади;

республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари билан биргаликда давлатлараро ва чегаравий сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш масалаларини чегарадош давлатлар билан тартибга солишда қатнашади.

гидротехника иншоотларининг техник жиҳатдан ишончлилиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган идоралараро ва давлатлараро комиссиялар ишларида иштирок этади;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

б) катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, фойдаланишга қабул қилиниши, ишлатилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши, консервацияланиши ва тугатилиши, шу жумладан лойиҳалар экспертизаси ташкил этилиши, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш сифати юзасидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

гидротехника иншоотларини жойлаштиришда, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш учун топшириқларни келишишда, уларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини келишишда, гидротехника иншоотларини қуриш сифатини назорат қилишда, уларни фойдаланишга қабул қилишда, шунингдек гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини келишишда қатнашади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларацияларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

гидротехника иншоотлари кадастрини юритади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик қоидалари ва мезонлари ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уларни тасдиқлайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

в) катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли қўриқланишини ташкил этиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва уларга туташ тўғоннинг қуйи ва юқори ҳудудларидан (сув муҳофазаси зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) фойдаланишни келишади;

ваколатли органларга сув муҳофазаси зоналарини, сув омборлари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг қирғоқбўйи полосаларини белгилаш ишларини ташкил этишда кўмаклашади, ушбу зоналар ва полосаларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси қонунчиликка асосан бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

11. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига бўйсунувчи ҳудудий инспекторлар орқали хал қилади.

3-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гидротехника иншоотларига белгиланган тартибда кириш, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ва техник назоратини ташкил этиш масалаларига доир материаллар билан танишиб чиқиш;

ўз ваколати доирасида, қонунчиликда белгиланган тартибда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг техник ва хавфсизлик ҳолати бўйича назорат ўрнатилганлигини текшириш;

гидротехника иншоотларининг ҳолати, улардан фойдаланиш ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ахбороти, маъруза ва маълумотларини эшитиш;

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлардан гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг ишончлилиги, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича меъёрий ҳужжатлар, тадбирлар режалари, буйруқлар, йўриқномалар, ҳужжатлар, маълумотлар ва материалларни талаб қилиш ва олиш, зарурият бўлганда, республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари мутахассисларини жалб қилиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш, шунингдек гидротехника иншоотлари хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолатларда хавфлилиги юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, куриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ тўғоннинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

14. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг мансабдор шахслари ва унинг ҳудудий инспекторлари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

4-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

15. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан Вазир билан келишилган ҳолда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосари бўлади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича:

бошлиқ — вазирнинг биринчи ўринбосарига;

бошлиқ ўринбосари — вазир ўринбосарига;

бошқарма аппарати катта мутахассислари — вазирликнинг бош бошқармаси бошлиғига;

мутахассислар — вазирликнинг бўлим бошлиғига;

ҳудудий инспекторлар — вилоятлар ҳокимликларининг тегишли мустақил бўлимлари раҳбарларига;

ҳудудий бўлинмаларнинг етакчи мутахассислари — мустақил бошқармалар ва вилоятлар ҳокимликларининг бўлимлари етакчи мутахассисларига тенглаштирилади.

16. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятига қирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда қўйилган вазифа ва хизматларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясида ижро интизомининг ҳолати юзасидан бевосита раҳбарликни амалга оширади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосарининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, вазифаларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмаларнинг инспекторларини ва етакчи мутахассисларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Ўз ваколати доирасида «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси

тизимдаги ходимларнинг бажариши мажбур бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг харажатларини сметасини ва штатлар жадвалини тасдиқлайди;

соҳага кўра ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Вазирликнинг хайъат мажлисларида белгиланган тартибда қатнашади;

конунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясида йирик гидротехника ва бошқа муҳандислик иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш соҳаси бўйича етакчи мутахассислардан иборат бўлган Эксперт кенгаши тузилади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи лавозимига кўра Эксперт кенгаши раиси ҳисобланади.

Эксперт кенгашининг низоми ва таркиби Вазир билан келишилади.

Эксперт кенгаши гидротехника иншоотларидан бехатар фойдаланиш ва уларнинг ишончли ишлашининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқади, гидротехника иншоотларининг барқарор ва бехатар ишлаши учун уларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш юзасидан тавсияномалар беради ҳамда гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларацияси экспертизаси натижалари бўйича қарорлар қабул қилади.

Эксперт кенгашининг қарорлари «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг буйруқлари билан амалга оширилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек ташкилотларнинг манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича ўтказиладиган Эксперт кенгаши мажлисларига уларнинг вакиллари таклиф этилади.

18. Эксперт кенгаши ўзининг таркибида мустақил хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлинма — Диагностика марказига эга бўлади, у гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ишончилигини диагностика, кузатув, натурада кузатув ишларини амалга оширади ва кадастрларни юритиш ишларини, шунингдек хавфсизлик декларацияси экспертизасини амалга оширади.

Диагностика маркази юридик шахс ҳисобланади, ўзининг Низоми, ўз номи ёзилган муҳрга ва банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Диагностика марказининг Устави ва штат жадвали Эксперт кенгаши томонидан тасдиқланади.

Диагностика маркази раҳбари Эксперт кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Диагностика марказини молиялаштириш «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси томонидан сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар ва бошқа буюртмачилар билан тузилган шартномаларига мувофиқ бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлардан олинadиган даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

19. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси инспекторлари ўз фаолиятларини жойларда гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва

хавфсизлигини назорат қилиш бўйича тасдиқланган тадбирлар асосида амалга оширадилар.

5-боб. Моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари

20. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техник таъминоти, шунингдек «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати орқали амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

21. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 9 августдаги 606-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарорининг 1 — 8, 15, 16, 18 — 29-бандлари, шунингдек қарорга 1 — 6-иловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» 2001 йил 2 мартдаги 107-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси, ҚҚТ, 2001 й., 5-сон, 22-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 майдаги 150-сон қарорига илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2002 й., 5-сон, 23-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 183-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2004 й., 4-сон, 37-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг

техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолияти тўғрисида» 2004 йил 20 апрелдаги 186-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2004 й., 4-сон, 38-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига 4-иловасининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2005 й., 2-сон, 12-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарори иловасининг 37 ва 38-бандлари (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27 модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг 69-банди (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 29 майдаги 321-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2001 й., 22-сон, 428-модда).